Ироқ қуроли кучларининг қўшимча қисми ва бўлимларини Кувейтга ташламоқда, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Ироқ биринчи навбатда Кувейт территориясига ҳаво ҳужуми-дан мудоаанинг янги комплексларини жойлаштириб, ҳаводан бўладиган ҳужумдан мудоаани мустаҳкамламоқда. Шунингдек шовиш-қичирчи равишда зирхидан танк қисми келтирилямоқда. Шу билан бир пайтда Саудия Арабистони билан чегара-дош районларда қўшнларнинг тўпланаётганини қайд этилмоқда. «Америка разведкаси Ироқнинг қамда 50 минг кишини Кувейт томон ҳаракат қилмаётганини аниқлади, — деб айтилди Ҳ. Буш-си телекомпанияси. — Улар қўшилса Кувейтдаги Ироқ тўдалари-даги ҳарбий хизматчилар со-ни 170 минг кишига етди». ЮПИ агентлиги Афинадан Ироқнинг Грециядаги элчи-си «ўзини химоя қилиш учун» химиявий қуроладан фойдаланишга Бағдод таёёр эканлигини айтди, деб хабар қилди.

Ироқ ташқи ишлар ми-нистрлиги Кувейтдаги барча чет эл дипломатия ваколат-хоналарини икки ҳафта даво-мида Бағдодга кўчиб ўти-шини қатъий талаб қилди.

Қўшма Штатлар зарур бўлган тақдирда мижоро чи-қини мумкин бўлган район-га 250 мингтагача ҳарбий хизматчини ташлашга таёёр бўлиб турибди, деб хабар қилди журналистларга АҚШ мудоааа министрлигининг масъул ходими. У Қўшма Штатлар Саудия Арабистони-да «кўп дивизионларини» жойлаштиришга таёёр эканли-гини таъкидлаб ўтди. Бундай миқдордаги қўшил-ларни жойлаштириш учун 60 кунга яқин вақт кетади.

АҚШ қуроли кучларининг бўлимлари «Саудия Арабистонида мудоааа мар-раларини эгалламоқда» — Пентагоннинг расмий вакили П. Уильямс «Десерт шилд» («Сахро қалқони») шартли номини олган операциянинг ривожланишини ана шундай таърифлади. Кам деганда 2300 нафар америкалик ҳарбий хизматчи операция-нинг дастлабки босқичида Саудия Арабистонига келти-рилди. Уильямснинг гапла-рига қараганда, пайшанба кун-и бу ерга «тез ҳаракат қилиш кучлари» тарқибга кирувчи 82-ҳаво-десант дивизиясининг янги бўлима-лари келтирилиши давом эт-ди. Қўшиллар Саудиянинг Даҳравдаги ҳарбий базасига келтирилган (Форс кўрфазига соҳилда) улар Ироқ бил-ан чегара раёнига жўнаб кетадилар. Айни бир пайтда Саудия Арабистони кучлари билан биргаликда ҳарбий машқлар ўтказиш режалаш-тирилмоқда.

Пентагонда бўлиб ўтган брифингда Ф-15 кирувчи самолётларнинг ҳаммаси, шунингдек авакс олишдан ра-диолокацион аниқлаш ва бошқариш системасининг беш самолёти Саудия Ара-бистонидаги белгиланган жойга етиб келди. Ф-15 кир-увчи самолётларининг сон-и аниқ айтилмаган бўлса ҳам, АҚШнинг Виржиния штати-даги ҳарбий-ҳаво кучларининг Лэнгли базасидан ана шун-дай самолётлардан 46 таси келтирилган, деб ҳисоблаш-моқда. Уильямснинг гапла-рига қараганда, Америка қўшнларини ва анжомлари-ни Саудия Арабистонидаги белгиланган жойларга келти-риш учун бир неча кун, балки бир неча ҳафта вақт кетади.

Эй-би-си телекомпанияси-га матълум бўлишича, Пента-гон воқеаларнинг энг хукук даражада ривожланишига таъриланмоқда. Ҳар бири мингтагача ярадорин қабул қила оладиган иккинчи нема-госпиталь Форс кўрфазига жўнашга буйруқ олди.

«Саудия Арабистони ва кўрфаздаги бошқа давлат-ларнинг ҳарбий ҳамада тех-никавий ёрдам тўғрисидаги илтимосига ижобий жавоб қайтаришга» Франция таёёр, деди Франция Президенти Ф. Миттеран пайшанба ку-ни журналистлар билан уч-рашувда. Шунингдек у Франция Форс кўрфазига раён-да ўзининг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларини мус-таҳкамлашни айтди. Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер бу раёнга қўшил-ларни юборишга таёёр экан-лигини масъул қилди. Авс-тралия Бош министри Р. Хоук АҚШ Президенти билан те-лефон орқали гаплашиб, АҚШга «ҳарбий ёрдам бе-риш» истганини билдирди.

Исроил қуроли кучлари юқори даражада жанговар таёёр ҳолатга келтирилди. Бош министр И. Шамир-нинг айтишича, Ироқ ҳужум қилган тақдирда Исроил қу-роли кучлари «жавоб зар-баси бериш учун барча им-кониятлардан фойдалана-ди». Пайшанба кун кечку-рун Исроилда душманнинг баллистик ракеталарини олис масофада туриб йўқ

қилиб ташлашга мўлжаллан-ган «Эрроу» ракетаси синаб кўрилди. Исроил радиоси-нинг хабар қилишича, «Эр-роу» Ироқнинг Исроилга мўлжал олдириб қўйилган ракеталарига қарши ишла-тайлади.

Оқ уйнинг расмий ваки-ли М. Фицутер ўтган 24 соат давомида воқеаларнинг ривожланишидан Президент Ж. Буш «жуда мамнун» эканлигини айтди. «АҚШ қуроли кучлари Саудия Арабистонини химоя қи-лишда ёрдам бериш учун муваффақият билан юборил-моқда. БМТ жорий этган жазо чоралари кенг маъқул-ланади ва қўллаб-қувватла-нади дейиш учун ҳамма да-лиллалар бор», — деб таъкид-лади Фицутер. Фицутер Яқин Шарқдаги танг вазият-га қарамай, Президент ўз отпускасидан фойдаланишга аҳд қилганини изохлаб қуйидагиларни таъкидлади: «Бизнинг кучларимиз Сау-дия Арабистонида мудоааа вазифаларини бажариш учун таёёр турибди. Улар мижоро-рога қўшилмаган. Шунинг учун ҳам вазиятни ҳар соат ёни ҳар дақиқа таҳлил қи-лишга зарурат йўқ». Оқ уй вакили Президент Буш дав-лат секретарининг ёрдамчи-си Ж. Келлини «биргаликда ўтказиладиган мувофиқлаш-тирилган тадбирлар эҳти-момли масаласида маслаҳат-лашш учун» Дамашққа бо-ришга фармойиш берганли-гини ҳам таъкидлади.

БМТ хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш комитетининг биринчи маж-лиси пайшанба кун халқаро ҳамжамаиятнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида бў-либ ўтди. Унда комитетнинг раҳбар органлари сайланди, бу органларга Финляндия-нинг БМТ ҳузуридаги доим-ий вакилининг ўринбосари М. Раси бошчилик қилди. Буюк Британиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили К. Тикелнинг журналист-ларга хабар қилишича, маж-лисда комитетнинг иш про-граммаси ҳам тасдиқланди. Комитет жаҳонда Ироққа қарши қабул қилинган чора-лар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва бу соҳа-да халқаро жамият яна ни-ма қилиши лозимлигини аниқлашга керак.

АҚШнинг БМТ ҳузур-идаги доимий вакили Т. П. Кернингнинг гапларига қара-ганда, «ҳозир ташвишли та-момил кўришиб турибди. Хавфсизлик кенгашининг Қувейтни босиб олиш гай-риқонуний деб тан олинган пайшанба кунги эрталабки мажлисида Ироқ вакили хавфсизлик кенгашининг қарорини бажармоқчи эмас-лигини очиб айтди». БМТ Бош котиби Х. Перес де Кузльяр агар Ироқни яқна-лаб қўйиш самарали бўлиб қичмаса, БМТ ҳимийлигида кўп миллатли кучлар тузи-лиши мумкинлигини айтди, деб хабар қилди Франс пресс агентлиги.

Ироқнинг тутган пози-цияси Форс кўрфазидоги танг вазиятни бартафос-этиш юзасидан араб мамла-катлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг фавақул-да кенгашини ўтказиш йў-лида янги қийинчиликлар туғдирди. Ироқнинг ҳара-катларига баҳо беришга ён-дашуварлар араб раҳбарлари орасида келишмовчилик ву-жудга келиши натижасида кенгаш пайшанбадан жума кунига кўчирилди.

МЕНА агентлигининг ха-бар қилишича, Ироқ томони арабларнинг қўчилиги учун мутлақо мабул бўлмаган қамда икки шартни қўйди. Бағдод олий даражадаги уч-рашувда овоз Қувейтнинг «муваққат ҳукуматига бо-шилик қилаётган ва Қувейт Ироққа қўшилиши» чоғида Ироқ Бош министрлигини ўринбосари лавозими теккан полковник Али иштирок-этишини талаб қилди. Шу-нингдек Ироқ кенгаш ишти-рокчилари орасидан Қувейт амيري Жобир Ас-Сабоҳи чи-қариб ташлашни талаб қи-лмоқда. Бундан ташқари Қо-ҳирага келган Ироқ делега-цияси бошлиғи, бош ми-нистрнинг биринчи ўринбо-сари Тах Ясин Рамадоннинг журналистларга айтишича, «Америка Ироққа қарши агрессияга тайёрланмаган-лиги» ва унга барча араб-ларнинг қарши ҳаракат қи-лиш йўллари муҳокама этиш кенгашида асосий маса-ла бўлиши керак.

Миср пойтахтида Форс кўрфазидоги хавфли вазият-ни муҳокама қилиш учун ча-қирилган араб давлатлари бошлиқларининг фавақул-да учрашув бошланди. Учра-шувда 15 раҳбар ҳамда бош-қа араб мамлакатларининг,

шунингдек Ироқнинг юқори мартабали вакиллари қат-нашмоқда. Унда Қувейт ами-ри Шайх Жобир Ас-Сабоҳ ҳам иштирок этмоқда. Учра-шувга Тунис вакили кел-мади.

Миср Араб Республикаси-нинг Президентини Хусни Му-борак учрашувини очиб чоғи-да таърифлаб, ушбу фожиали пайтда араб раҳбарларини тарихий масъулиятини аниқлаб етишга ва араб мамлакатла-рининг ўз кучлари билан танглиқдан тинч йўл билан қийин иложини топишга ёрдам берадиган аниқ-рав-шан чора-тадбирларни ишла-лаб чиқишга чақирди. У жаҳонда ҳамкорлик қилиш, куч ишлашга ва дўш қилиш-дан воз кечиш, инсон ҳуқуқ-ларини ҳурмат қилиш йўли-га ўтилганлигини, турли ре-гионлардаги сиёсий вазиятни жамоалардан ана шу умумий тамойиллардан ажратиб бўл-маслигини таъкидлади. Ж. Муборак «ерларни куч бил-ан эгаллаб олиш тўғри эмас, бундай ҳаракат араб-ларнинг ҳуқуқларини бузади» деб ўтқирди. Ироқ қў-шилларининг Қувейтдан олиб чиқиб кетилишига етказилган зарарнинг ўрни-ни қоплайди, деди Миср Араб Республикасининг президенти. Араб дунёси ва халқаро ҳамжамаият Қувейт мустақиллигини тиклашни ҳамда Қувейт босиб олин-гандан сўнг қабул қилинган қарорларнинг бекор қилини-шини талаб қилмоқда, деди.

Пайшанба кунги Палестин овозлик ташкилотининг раҳбари Я. Арафат «араб-ларнинг тинчлик йўлида сарфлаётган куч-ғайратлар-ини муҳокама қилиш учун» Ироқ президенти С. Хусайн билан яна учрашди, деб ха-бар қилди Ироқнинг ИНА агентлиги. Британияда чи-қадиган «Таймс» газетаси-нинг маълумотларига қара-ганда, Палестин радинал фракцияларидан бирининг раҳбари Абдил Аббос амери-каликларга ва бошқа фарб мамлакатларининг вакилла-рига қарши террор кампа-ниясини бошлаш билан дўш қилди. «Таймс» Фарба «бу дўш-қўписалар жиддий деб ҳисобланаётганини» таъ-кидлади.

«Ироқ ўз чегарасин доира-сидаги муҳожирларнинг қў-чилиги мамлакатдан чиқиб кетиши учун рўхсат олол-маслигини айтди». — деб хабар қилди Рейтер агент-лиги. Форс кўрфазига раён-да бўлаётган дипломатик фу-қаролаб минглаб хоржий қў-роқлар ҳаёти тикланимда, деб таъкидлайди агентлик. «Бағдод чегарани беркинб тақтин йўл қилди, — деб таъкидлайди Би-би-си теле-компанияси. — Ироқ маъ-мурлари шундай қилиб, хо-рижий фуқароларни гаровга ушлаб қолшга қодир экан-ликларини кўрсатишмоқда. Дипломатия ваколатхонала-ри бундай чорани кутмаган эдилар.

Қувейтда, Рейтер агентли-гининг қувейтлик қочоқлар-га асосланб хабар қилиши-ча, Қувейтни овоз қилиш ташкилоти тузилган. Мам-лакатдаги қўлгина кишилар истилоци маъмурларнинг ишга қиш ҳақидаги буй-руқларини мессидефтирлар. Бир қанча банклар, қозлаб магазинлар беркинб қўйил-ди, уларнинг деворларида ватанпарварлик ёзувлари пайдо бўлмоқда.

«Ироқ озиқ-овқат махсу-лотларини четдан келтириш-га тўла қарамдир, — деб таъкидланади Эй-би-сининг янгилликларида. — Мамла-катда истеъмол қилинадиган бугдойнинг 87 фоизи, мак-кажўхори доининг 88 фоизи, гуручнинг 63 фоизи чет элдан келтирилади, Гўшт, қанд, ўсимлик ёғига эҳтиёжнинг катта қисмини уларни четдан сотиб олиш ҳисобига қондирилади. Сут махсулотларининг ҳаммаси чет элдан келтирилади. Бу махсулотларнинг кўпи Ши-молий Америка, Европа мамлакатлари ва Австралия-дан келтирилади. Бу мам-лакатлар эса иқтисодий жа-зо чораларини самарали амалга оширишга эришишга азму қарор қилганлар. Ироқ даромадининг 90 фоизи нефть ҳисобидан тушди, Би-роқ мамлакат Эрон билан 8 йил давом этган уруш оқи-батда пул маблағлари етиш-маслигидан қийналмоқда. Эндиликда эса Ироқ нефтин-и харид қилиш таъқиқлан-ганлиги сабабли Ироқ ҳар кун 60 миллион доллардан маҳрум бўлади. Бироқ му-таҳассисларнинг фикрича, Ироқ илтиҳоридоги озиқ-ов-қат махсулотларининг запас-и 3 ойга етди. Шу сабаб-ли иқтисодий жазо чоралари таъсирини Ироқ қишдан ол-дин сезмайд.

(ТАСС).

## ҚУРУВЧИЛАР КУНИ



## МАЪЛУМОТЛАР ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Ўзбекистон ССР Статисти-ка давлат комитетининг хабарига қараганда, жумху-риятимизда беш йилликнинг тўрт йили ичида ишлаб чи-қариш қувватларини ривож-лантиришнинг катта про-граммаси бажарилди. 39 та янги санаят корхонаси ишга туширилди, реконструкция-лаш ва техникавий қайта жиҳозлаш қўламлари кен-гайди. Бу мақсадлар учун 5,7 миллиард сўм давлат ка-питал маблағи сарфланди. 1989 йилда уларнинг умум-ий ишлаб чиқариш ҳажми-даги ҳиссаси 53 фоизга ет-ди ва ўтган беш йилликдаги ўртача йиллик ҳажмга нис-батан 6 мартадан ортиқроқ кўпайди.

Ҳозирги беш йиллик бош-ланганидан бери Ўзбекис-тонда давлат маблағларини ўзлаштириш ҳисобига 27,8 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, халқ хўжалигини 29,2 мил-лиард сўм пулдан фойдала-нишди — бу пулнинг ярми-дан кўпроги деҳқончилик- санаот мажмуи тармоқлари-ни ривожлантиришга сарф-ланди.

Капитал маблағларнинг ижтимоий йўналиши кучай-ди. 1986—1989 йилларда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларини рив-ожлантиришга 10,3 милля-рд сўм ёки беш йиллик планда назарда тутилганидан 11 фоиз кўп пул сарфлан-ди. Шу вақт ичида ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланган капитал маблағ-нинг салмоғи умумий ҳажм-да 31 фоиздан 42 фоизгача кўпайди.

Ижтимоий соҳани ривож-лантиришга сарфланган ка-питал маблағларнинг катта қисмини қайта йўналтириш ва корхоналарнинг жамоа-лари ана шу мақсадлар учун ўз маблағларидан фойдала-нишлари натижасида ноиш-лаб чиқариш қўрилишини миқдослари сезиларли дара-жада кенгайди. Уй-жойлар, ижтимоий-маданий иншоот-ларни фойдаланишга топи-риш суратлари тезлашди.

Тўрт йил ичида жумху-риятда молиявий маблағ бил-ан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан умум-ий фойдаланиш майдонин 30,3 миллион квадрат метр бўлган уй-жойлар ишга ту-ширилди, уларнинг 14,7 миллион квадрат метри аҳо-лининг ўз маблағлари ҳис-обидан ва давлат қараи ёрда-мида фойдаланишга топши-рилди. Ўзбекистонликлар 417 мингта шинам кварта-ри олинди, 2,8 миллиондан кўп-роқ киши уй-жой шароитла-рини яхшилади. Мактаблар, мактабгача тарбия бола-лар муассасалари, шифохоналар, шунингдек клублар ва мада-ният уйлари ўтган йилнинг шу даврига қараганда анча кўп қўрилди.

Шундай бўлса ҳам жум-хуриятимизда капитал қури-лишида ҳали тўб бурилиш бўлгани йўқ. Тўрт йил ичи-да асосий фондларни ишга тушириш ва давлат маблағ-лари ҳисобига капитал маб-лағлардан фойдаланиш, шу-

нингдек маблағ билан таъ-минлашнинг барча манба-лари ҳисобидан қурилган уй-жойлардан фойдаланиш беш йиллик план топшириқлари бажарилмади. Плана нисба-тан 3,4 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туши-рилмади, 2,4 миллиард сўм капитал маблағ ўзаштирил-мади.

Тугалланмаган қурилиш-лар ҳажми кўпайиб бормоқ-да. Ўтган йили уларнинг ҳажми 5,4 миллиард сўм-ликка етди, фойдаланилган капитал маблағлар ҳисоби-дан уларнинг умумий салмо-ғи эса 99,4 фоизни ташкил этди. Тугалланмаган қури-лишлар ҳажми 1989 йилда 1985 йилга нисбатан 755,3 миллион сўмлик ортди.

Ҳозир ҳам аҳвол яхшилан-гани йўқ. Жумхурият Статисти-ка давлат комитети ка-питал қурилишининг асосий кўрсаткичлари бўйича би-ринчи ярим йиллик планла-ри бажарилмай қолганлиги-ни алоҳида таъкидлайди.

(ЎЗТАГ).

## ИСТИҚБОЛДА — КОСМИК ЗАВОДЛАР

ЗВЕЗДНИЙ ШАХАРЧА-СИ. (Москва вилояти). Бу ерда журналистлар билан аёғанавай учрашув бўлиб ўтди, — унда Ю. А. Гагарин номли космонавтар таёёр-лаш маркази профлакторий-сида учиндан кейинги тиби-ий текширишдан ўтётган А. Соловьев билан А. Ба-ландян журналистларнинг саволларига жавоб берди-лар.

Ҳақиқатан ҳам қисқа ҳуқуқ қилиб беришди, «ер-даги» дастлабки таассурот-лари билан ўртоқлашди. Ярим йил худди бир кундек ўтиб кетди, деб тан олди А. Валанин. Хатто мурак-каб вазиятларда ҳам ишлаш осон бўлди, деб таъкидла-ди фазогирлар, чунки биз ҳар дақиқада ердаги ҳам-касбларимизнинг мадания-ни ҳис этиб турадик.

Бугун «Мир» илмий—тад-қиқот комплекси, унинг хил-ма-хил аппаратлари ва техно-логия ускуналари эканли-гини кўп сонли бўлишини та-лаб этади, деб таъкидлашди «булоқчи». Бу техника им-кониятларидан самаралироқ фойдаланиш имконини бе-ради, фазогирларнинг фой-далиш коэффициентлари ой-ли оширади, чунки бунда уларнинг ихтисослашуви тўғрисида аниқ гапиршиш мумкин.

Эҳтимол, яқин келажакда орбитада бутун-бутун кос-мик заводлар ишлаш бош-ланади худди шундай бў-лар. Печларидо гонг юқори сифатли ярим ўлжагичли но-териялар, шу жумладан ма-кроелектроннинг олинанг ихтисослашган «Кристалл» модулини бундай заводнинг дастлабки қўрилиши дейиш мумкин. Айтганча, бу кри-сталларнинг бутун туркуми СССР Электрон санаяти ми-нистрлигининг тармоқ би-юртмасидир.

Фазогирлар учушининг ху-

(ТАСС).

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ

### ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## ШҮРҚҮРҒОН ГУЗАРИ

— Бир замонлар ҳар бир қишлоқда гузар бўларди, — дейди Акбарали ота Ҳайдаров сўхбатдоши Пўлатбой Темирова. — У ерда кунданлик эҳтиёжни қоплайдиган расталарнинг пештахталарида неъматлар тўлиб ётарди. Ошхона дейсизми, қавоҳона ё новвойхона дейсизми — ҳаммаси бор эди. Айниқса саратоннинг жазираси кунларидека чойхоналар одамлар билан гавжум бўларди. Кўк чога яхна узилмасди.

— Тўғри айтасиз, Акбарали, қани ўша даврдигайди гузарларимиз бўлса, — деди Пўлатбой ана ҳамсўхбатига юзланди.

— Бунинг илоҳи бор, — деди сўхбатга аралашиб Октябрь ака. — Агар биз, пенсионерлар гузар қиришга бош қилсак, колхозимиз раиси йўқ, дермиди. Уларнинг иши тошиб ётибди. Раҳбарларга йўли билан тушунтириб, ёрдамлашсак; қўллаб-қувватлашсак. Бир маслаҳатлашмаймизми?

— Бу воқеага бир йил бўлди. Шўрқўрғонлик қариялардан Абдуллажон Нишонов, Шамсиддин Жўраев, Валижон Арслонов, Асқаржон Келдиев Охунбойеов номи колхоз бошқаруви раиси Олимжон Сотибодиев хузурига боришди. Узоқ сўхбатдан сўнг отахонлар талаби қондирилган бўлди. Колхоз маблағ ажратди. Пенсионерлар гузар буюртмачилари бўлдилар.

Шўрқўрғон марказидаги соя-салқин оромгоҳлардан бири ташланди, гузар учун биринчи чойхона қуриштириш бошланди. Уни колхознинг Дамижон Алнабаров бошлиқ бинозорлари қисқа муддатда ишга туширдилар. Айниқса дурадгор уста Махрабжон Магзиновнинг ҳиссаси катта бўлди. Шундан сўнг ошхона, бозор расталари ва пештахталари қурилди.

Шу кунларда Шўрқўрғон гузаридека буларган киши ўзини колхоз бозоридека юргандай ҳис этади. Бу ердаги ошхонага моҳир пазанда Зокиржон Раҳмонов раҳбар. У таёрлаётган лағмон, палов, кабоб таърифи атрофга тез тарқалди. Яқинда гузарда музафайоқ дўконининг ишга туширилиши меҳнат аҳли фарзандларини мамнун этди. Муродилла Мирзаабдуллаев гузар пештахталарини колхоз поллизларида етиштирилган ҳовуш-тарвузлар билан тўлдирдишга ҳаракат қилаётган. Аҳоли эҳтиёжини қоплатишга маҳсулотларни, сут, қатиқ, помидор, пинёз, картошка ва бошқа турли мева-ларини олиб чиқмоқда. Гузар эрталабдан қош қорайгунча қишлоқ меҳнаткашлари хизматда.

— Келгундаги режаларимиз катта, — дейди гузар мутасаддиларидан бири, қишлоқнинг табаррук отахонларидан Октябрь Бобоназаров. — Колхозимизда балқиб етиштирувчи алоҳида ишхона бор. У ерда лўқман ҳалол боқилапти. Тирик маржонларни гузарда сотса бўлмайдики? Шу ҳақда колхоз раисининг розилигини олдик. Ҳозир алоҳида ҳовуз қилинапти. Унда балқидир етиштирилади. Шундай қилиб, ўзини кунларда гузарда лўқман ҳалол сотадиган дўкон ишга туширилади.

Шўрқўрғон марказидаги гузарни қиришда кексалар ёшлар иборат қўрсатдилар. Колхоз бошқаруви ва партия комитети ақидани ёдам берди.

Гузарга марҳамат, азизлар, бир пиёла чой ичиб, дам олинг!

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

Наманган райони.



## ЭЪЗОЗ ВА ТАЪЗИМ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ҚАҲРАМОН ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ УТДИ

Бу кун маросим қатнашчиларининг ёдидан бир умр чиқмаса керак. Поштахт вилоятнинг колхоз ва совхозларидан келган ана шу аёлларга ҳавас билан тикиламан: ақин оралаган чехралар гулгун, меҳнатда пишган кўларда чинийгул. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР халқ депутаты, Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари области Советининг раиси Солижон Мамаரசуллов уларнинг ҳар бирини чин юракдан қизгин табриклар, «Қаҳрамон она» нишонини топширди. Уларга тикиламан у далаларда ҳалол ва мардона ишлашга, қомбайларни моҳирона бошқаришга, энг муҳими — фарзандларини тарбиялаб, воқта етказишга шунча кучни қаредан олишганини, бунчалик донолик ва лозифат маънасини билгани келди. Уи бола! Ана шу икки сўз замрида қанчадан қанча туғилар бодор. Утганини, кунлар ҳаловатсиз келганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳуддининг илк қадам қўйиши, қо

қилиши, унинг ўсиб-улғайиши, жамиятга муносиб инсон бўлиб етишуву — буларнинг барчаси қувонч ва ташвишлардан иборат эмасми? — Ун болани улғайтириш қийинми? — саволини такрорлайди Чиноз районидеги Энгельс номи колхоздан келган Солиа она Мамадалиева. — Ҳа, осон эмас. Қийинчилиқсиз нимга еришиб бўлиб мумкин? Ҳар қалай, ташвишларга қараганда қувончларим кўпроқ бўлган. Тўрт ўғлим ва олти қизим бор. Ҳар бирининг ўзинга хос феъл-атвори, одати, қизиқари дегаданди... Улар билан ҳаётимгина эмас, қалбим тўлиб, бағрим бутун. Кўп болалар аёл бахтли бўлмайди, деганлар хато қилишди. Катта оилада гўдак ҳали йўрқақалиқсиз сабр-тоқатга, чидамликка, сезgirlрикка ўргана бошлайди. Буни қўрғанда онада қониқиб ҳосил бўлади, қўлига яйраб кетади.

Назаримда, Солиа она шу кун муҳташам қопонага тўпланган 28 нафар Қаҳрамон онанинг фикрини ифодалагандай бўлди. Бўстониқ

Келин қайнонасига бир пиёла чой қуйиб узатди-да, «Олинга, — деб нонуштага тақриф қилганче ўзи қўшини хонага кириб кетди. Угли ҳар доимгидек оғир ташвишлар бошини эгиб қўйган одам каби кайфиятсиз кириб келаркан, онасига кўзи тушар-тушмас:

— Ха-а... — деди қўзиб. — Бу — унинг саломи, эрталабки ҳол-аҳвол сўраш ўрнидаги каломиди. Кампир «Бисмилло...» деб нон олди ва ўглининг юзига синовчан, умб-қўзда ўзгариш бўлмади. Кампирнинг кўнгли ушунди: «Бисмилло-гайм ўргатолмади...»

Угли фотиҳнинг тақлидини қилиб юзини сий-палаб ўрнидан турди, қаршисида онаси ўтирганиям умунтагдек индамай чиқиб кетди. «Иши оғир-да», — ўзини оғутиди она... Кейин бугун ҳам бу уйда оғир ер тафтини сезмай, нафаси бўғилиб кунни кең қилиш азобини ўйлаб шовшиб ўрнидан турди. Курсида осилтириб ўтиргани учун оғирлашиб қолган овқиларини судраб йўлкача кетди. Угли эгнашиб туфлисининг илмини боғларди.

— Болам... — Онанинг илтифати ўғил тушунди, ҳаракатдан тўхтади, лекин индамай, қаққиниям тикламади.

— Эрта-инди дам олишинг... Мени қишлоққа ташлаб келгин. Поездга билет...

Угли зарда билан бошини кўтарди, онасига шундай қаредани, қария бехоланлиб деворга суянди.

— Яна шу гап! Мени бутун қишлоққа шарманда қилмоқчимисиз? Нима бор ўша қўп-қўруқ ҳовли-ҳўйнингизда?!

Эрининг овозини эшитиб ичкари уйдан югуриб чиққан келин кўзи билан қайнонасига имо қилди: «Кўйинг, ойи...»

— Турсунбой болам, мени поездага чиқариб кўйинг... Шундан кейин ўғли қиз кўрди, янги уйга кўчишди, қиз мактабга борадиган бўлди, она бу шохарга қайтиб келмади. Лекин ўғли икки юрт орасида каттавоққа қолди. Ҳафта оралаб шанба, яқшаба кунлари онасиникига йўл олади, ҳамқишлоқлари орасида «Влеги онасини ташлаб кўйинг», — деган иснод орттиришни истамайди.

Уч йил олдин кутилмаганда онанинг қишлоқдаги ховлиси остонасидан кўш чикди: эрта тонгда ўғли, келини, бўйи қўзилиб қолган набираси кириб келишса бўлади! Кампир ҳаётининг энг масъуд дамлари — қайнониси, эри тирик, влгизгина омон қолган Турсунбой ҳолини тўлдириб юрган даврларга қайтгандай эди. Кўни-қўшини орасида обрўйи охиб кетгандай туюлди. Меҳмонлар икки кунгина туришди-ю, лекин онанинг кўнглига бир олам шукрона солиб кетишди. Ҳайрашуво чоғида келин:

— Ойи, бизникига бориң, — деди ерга қараб. — Сизни кўргани, атайлаб шу гапни айтгани келдики...

— Бувижон, бизникига бориң, — дея набираси ҳам онасига қўшилди.

Шундан бўйи она ҳар йили ўғлига яриб бирикки марта шаҳарга келади. Келадими... ўзи хоҳлаганда вақтда қишлоққа элтиб қўйишса экан. Угли ва келинининг хавотирлари беҳуда, она бу ерда ҳеч қимдан ҳафа эмас, биروق улар билан узоқ яшолмайди ҳам...

«Уй босиб йўлгада ўтирган онанинг хаёлларини ичкаридан чиқиб келган набираси бунди: — Вой, буви, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Кампир бошини кўтариб набирасининг тўзиб ётган сочларига, кўкракларига чуқур ўйиб тикилган ёнгисиз тунги кўйлагига, бўлиқ билаклари,

# Мухтарам МУҲАММАДХОН қизи ЧОРАСИЗ ДУНЁ

Угли кўзгу олдидаги тароқни қўлига олди, сочини тарамай, тароқни яна жойига олди, эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди. Кампирнинг жону жисми бир қалқиб тушди... Икки ёндаги эшиклардан ичкарига назар солди, киргиси келмади, шу эрининг ўзинга оҳиста ўтирди.

— Ойи, — юпатмоқчайди деди келини, — сизга нима етишмапти? Кампир ух тортади, ўзинга ўзи гапиргандек сўзлай бошлади:

— Гап фақат ейиш-ичишда бўлса нолдйдиган жойим йўқ. Уйида бу ердигидек эртаю кең иссиқ овқат қайда? Нима десам экан, мен ўша ёққа ўрганганман-да, келин. Аммо сиз сикилманг, сиздан сираям ҳафамасман.

Кампир келинининг хавотирлангани босиниси билди: илгарилари ўғил онасининг бу ерда узоқ яшолмаслигига ўз хотинини сабабчи деб билар, шу тўғрида ундан аламини ҳам олгандир балки. Лекин она келинининг уйига биринчи марта келган кунлари бўлган вақетдан кейин илтифати бориңча ўглининг рўзгорига соғуқчилик туширмасликка ҳаракат қилади.

Ушунда ўғли янги уйланган эди. Қишлоқдан тўйга келган она ўглининг кўнглига қараб уч-тўрт кун қолдиган бўлди. Бир сафар зарурат билан ҳоҳлатона эшигини очиб, тили калимага келмай қолди: келини ўша ерга овқат қолдиқларини ағдаради!

— Ёйилмайди! — ниҳоят тили сўзга қовушиб сўради қайнона. — Бўлмаса, молга бермай-сизми, ариқча тўймайсизми? — Айниб қопти, — дея малол билан жавоб қайтарди келин. Кейин шариллатиб суз оқибат ҳоҳлатонадан чиқаркан, терсакига ўхшаш овоз билан қўшиб қўйди: — Бу домларда ким мол боқайди? Ариқ излаб шаҳарнинг қайси бурчагига бораман!

Кампир вақима ичиде келинига эргашиб ошхо'нага кирди: — Ҳэй, бу уйдагиларнинг ҳаммаси... — у ўғлини айтишга тили бормади. Кейин бирдангина гуноҳдан кутулиш йўлини топиб олгандек, идиш юваётган келинига яқинлашиб деди: — Мана шу ерга суяқ овқат қолдиқларини тўксангиз, қуноқларини қозоғга ўраб пастга — ит-мушуклар ёқ йетадиган жойга қўйиб келсангиз бўлмайдики? Келин қўлидаги идишни ёндаги стол устига тараклатиб қўйгач, жаҳл билан жавоб қайтарди: — Бу ердан оқиздим нимаю у ердан оқиздим нима, ҳамма қувуринг борадиган жойи битта! Шаҳарда иту мушукларам тўқ қолган овқатни иксамайдиам.

Келинининг «шаҳарда иту мушукларам тўқ» деб алоҳида таъкидлаши қайнонанинг кўнглига бир-динига тўғдек санчилган бўлса-да, «ҳамма қувуринг борадиган жойи битта» дегандеки олдида у гап қайнонанинг эсидан дарҳол чиқди. «Бундан чиқди кеңа ювилган киринг муғзавалиси, ювиндиям, чойинг шамасию нону тўрғузилик овқат қолдиқлари ҳам, одамнинг ифлоси ҳам ерлашиб...»

Кампир ақлини танигандан бўйи инсон бола-сини бу қаҳар гуноҳи азимни бўйинга олиб яшаганини ҳеч қўрмаганди. Она ўша кунни келгача емади, ичмади. Кеңуруноқ поездага ўтириб қишлоққа кетиш учун ўглининг ишдан келиши кутди. Угли қайтсач, она мақсадини айтиш-гаям улгурмади, нариги уйдан келинининг яйла-сираб ҳасрат қилгани эшитилди: — Ҳозирдан орамизга соғуқчилик тушириб, йўқ жойдан жанжал чиқариб... Она индамай тутгунчаси кўтерганча йўлкача чикди:

арим яланғоч елкасига кўзи тушдию яна ерга қареди. Кампир ҳеч тушунолмайди, кўниқолмайди: дуркун қиз бўлиб қолган набирасининг ўзини-кию бегоналар олдига, ҳатто онасининг кўз ўнги-да ҳам сочларини пешонасига тўғитиб, ёнгисиз, ёксиз кийимларда юрарисидан номуфта ботера-вереди, шундай пайларда уни оҳират вақимаси ботеравереди. Мана ҳозир ҳам кўнглидан: «Ё олло-йи қарим, мен — гуноҳкор банда, иноятиндан умидим кўпа, деган илтижо ўтдию бир гап ёлдиға тушди ва ичкарига юзланди сўради: — Ҳай, келин, кеңа кимдир бугун тонгда таъзияга бориб келамиз деганди-ку, Турсунбойга айтдингизми? — Бизникидан уч уй наридаги домдан бир одам ўлибди, — ўзи кўрнимай жавоб қайтарди келин. — Углингниз барбир бормасдилар. — Е алҳазер... Кампир ўлмининг ҳақлигини қанда неча бор тан олади. Лекин бирор марта ҳозир-гайда аҳволга тушмаганди. Кўзи баргандек эрте-индин узилмади, деб турган умри қолди. Она-нинг кўзларидан ёш сиза бошлади. Айтб-айтиб (ўз-ўзинга) йилгиласи келарди. Тасаввурда гўё ўзи ўлган-у, тобутининг вунди бошига дўппи ёпиш-маган Турсунбой, тобутини кўтаришадиганлар йўқ... Кампир дунёни унутди, узун ангина кўз ш-ларини артиб улгуролмасди.

Ичкаридан чиқиб келган келин қайнонасига бироз қараб турди-да, онанинг озини елкасига қўлини қўйди:

— Шунчалар зерикдингизми, ойи! Ўз болангиз-никидесиз, ахир. Бу ҳафта бўлмаса янагисига кетарсиз. Юриң, чой ичайлик.

Дестурхон устида набираси ликопдаги тўғрам нолларни бир томонга суриб, бутун нондан бўлак синдириб олди, нонининг ўртасини ериб ёқ суртаркан, ҳар доимгидек оёқларини бир мар-розда силкита бошлади — кампирнинг юраги баттар сикилди. Лекин шу заҳоти кўнглига кел-ган бир ўйдан ўзи ҳам қувониб кетди: — Мени влгиз ўтирмасин десанлар, мана, қизимни олиб кетай. Мактабни бошлангунча дам олади, менга ҳамроҳ бўлади, — деди ва гапи кел-кино набирасига ҳам маъқул бўлишига чин дил-дан ишониб қўлиб турарди. Бироз келин ва набирасининг юзларидеки таъжирбўми, ҳайронлиқми, қўлласи че, нималар дельсиз? деган саволнинг ифодаси кампирнинг кўзларидека нуруни сўндирди.

Нонуштадан кейин келин стол устидаги ушоқ-ларни латта билан сидираркан, онанинг кўнгли яна узишди, ерга қараб олди: «Ҳозир сўзидан оқизади, ҳамма қувурларнинг борар жойи бит-та...»

Келин ўзи онасиникига боришга ҳозирлик қўра бошлади, эртага онаси «гап» беради экан. Неҳа кундан бўён онаю бола телфонда «гапга» нима пишириб, нималар кийдиш ҳақида маслаҳатлаш-шадди. Бир сафар қудас кампирни ҳам йинига тақриф қилди, лекин кампирнинг бормаслигини билгани учун шунчаки манзират эканлиги сезили-ти турарди.

— Қудамга салом айтиң, — деди қайнона кели-нини кузатаркан ва қўшиб қўйди: — Мендан ҳафа бўлмасанлар, танимган одамлар орасида нима қилмаган!

Келини чиқаркан, эшик очилганда онанинг ни-гоҳи тешқари томондан қўллаб ошқ остига таш-лаб қўйилган ўглининг кўйлагига тушди — худди Турсунбойнинг ўзи тепкиланганга ўхшайди. Таъба, она шу пайтгача ўғли кичкиналигидека кий-ган, ситилиб-йиртилиб кетган ишончалару қўй-

## ҚАТРАЛАР

- Яхши одам одоб-ла гапирмад, Емон одам ёмон сўзлаб қўйрмад, Дилнинг бир чеккасини ўйрмад.
- Шундайлар бор, ош-нонинг еб, Сени гийбат қилади. Шундайлар бор, омад тилаб, Кўнгли уйи жаннат қилади.
- Виждон, имон, нисоф бўлса одамда, Омад, иқбол уни этмайди қанда.
- Ҳайт шори шу: ҳеч бекор турма, Ишинг дўндир, билмаганга қўл урма.
- Кўш чикиб ботар, умр ҳам ўтар, Яхшилик қилиб қол, вақт ўтар-кетар.
- Тил — дилнинг қалити, Очарсан ўзга дилин. Фақат яхши сўз билан Топарсан бошқа тилин.
- Кўнгли ҳам бир чашмадир, Домм яхши сўзга ташнадир.

ЗУЛФИҚОР.

## СПОРТ АНБОРАТИ

### «ПАХТАКОР»ДА БАЙРАМ

Кеча Физкультурачилар кўни жумҳуриятимизда кеңи нишонланди. Барча стадионларда, спорт залларида бўлган каби «Пахтакор»да ҳам катта спорт байрами уюштирилди. Эрталабдан то оқшомга қадар пойтахтнинг энг кучли енгил атлетикачилари, ведосипедчилари, босчи ва эркин қўрашчилари, гимнастикачилари кўрғазмили чиқишлар қилдилар, машҳур спортчилар билан учрашувлар ўз куй ва қўшқилари билан байрамга фойз киритишди.

Кечурун эса «Пахтакор»нинг авиация фалокатидека ҳалок бўлган соғиб футболчилари хотира соврини учун финал учрашувни ўтказилди. Бухоронинг «Нурафшон» ва Ангрениннг «Шахтёр» коллективлари майдонга тушдилар.

### ФУТБОЛ ҚОЛДУЗЛАРИ ОРАСИДА

Киевнинг «Динамо» ҳамда мамлакатнинг терма командири ярим ҳимоятчиси Алексей Михайловиченко яқинда Италиянинг «Сампдория» (Генуя) клубида ўйнаб бўшайди. СССР Футбол федерацияси узоқ ўйлаш, иккиланшлардан кейин унинг хорижга кетишига оқ фотиҳа берди. Эндиликда Алексей футбол қолдузлари Жанлуки Виалли ва Роберто Манчини сингари машҳур ўйинчилар билан ёнма-ён тўп суради.

Италиянинг «Фиорентина» командаси румин ҳужумчиси Лакатушини сотиб олди. Ҳозир эса «Бенфика»да ўйнаб турган бразилиялик ярим ҳимоятчи Вальдони ўз томонига оғдириш пайида. Бунинг учун 5 миллион доллар ваъда қилинапти.

### ИККИНЧИ ГАЛАБА

Аргентинада баскетбол бўйича жаҳон биринчилигининг саралаш гуруҳларидаги мусобақалар давом этапти. СССР терма командаси иккинчи галабани қўлга киритди. Вакилларимиз Кордова шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Миср командасини 102:76 ҳисобда енгилди. Шундан кейин уларнинг чорак финалда чиқишлари нақд бўлиб қолди. Командамизда Ветра, Волков ва Березнойи жуда яхши ўйин кўрсатмоқдалар.

Иккинчи турда Югославия — Ангола, Пуэрто-Рико — Венесуэла, Бразилия — ХХР, Италия — Австралия, Греция — Испания, АҚШ — Жанубий Корея учрашувларида биринчи командалар ғолиб чиқди.

### ХАНДА

— Зокирнинг дадаси сехр-гарми? — Пуқ, у ёғоч омборида ишлайди. — Нега бўлмаса уни га-зетада: «Бир вагон тахтани сув қилиб юборди», — деб ёзишдиби? \*\*\*

Никоҳдан ўтгандан кейин қиз йигитга шарт қўйди: — Менинг юзимни эҳти-ётлайман, десангиз, бугун-дан бошлаб мўлловингиз билан соқолингизни олдингиз. \*\*\*

— Кепаниңг бир кило-грамми қанча туради? — Қайдан билай. Ахир, у бозор ёни дўконларда со-тилмаса! — Бугун помидорни ке-лак баҳосида пулладим, де-дик ҳуқ бўлмасай! \*\*\*

— Э-ҳ-ҳ, шу ерда ишлаёт-ганимдан бўён қанчадан-қанча бошлиқлар келиб кетишди. — Улардан нима қолди? — Фарзандларининг номи. \*\*\*

— Ҳой, йигитча, ўғлим тенги кўрнасиз-у мунча тикиласиз? — Хафа бўлманг, хола-жон. «Онасини кўриб, қиз-нин ол» деган мақолга амал қилаялман. \*\*\*

— Оғайни, ҳалидан бўён дастурхонга қўйилган узум-ларни мактаб, ишгада билан ейсиз-у уни ким етиш-тирганини сурамайсиз? — Отаниннг насихатини қулдоққа қўйиб олганман. У киши ҳар доим: «Узининг егин-у боғини суриштирма», — дер эдилар.

### О. УСАРОВ.

районидаги «Товоқсой» колхозидан Болдигўз Мажидбоева, Паркент районидаги «Гулбоғ» совхозидан Турсунбой Азизбоева, Галаба районидаги Киров номи колхоздан Насиба Норматова ва бошқалар ҳам худди шундай де-ларийлари мумкин эди.

Йигин фақат тантана, гул-дуроз қарсақлардангина иборат бўлмади. Ташвиш ва му-аммолар ҳақида ҳам фикр юритилди. Ўзбекистон ССР президенти маҳаммасининг мукофотлаш бўлими мастул ходими Маҳфуза Ғуломовна Собирова хужалиқлар, партия ва совет ташкилотлари, гамхўрлигига муҳтож сер-фарзанд аёллар исм-шариф-ларини тилга олиб ўтди. Шундан сўнг анжуман қат-нашчилари касоба уюшмала-



С. ЛИ. СУРАТЛАРДА: 1. Қаҳрамон она Солиа Мамадалиева. 2. Маросим иштирокчилари. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.